Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 85 (7. 174) 1990 йил 14 апрель, шанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

⊙ СССР Президентининг таклифига биноан Польша Республикасининг Президенти Войцех Ярузельский 12 апрель куни расмий ташриф билан Москвага келди.

Бугун рўзномаларда Польша Президентининг кутиб олиниши ҳақида, СССР Президенти М. С. Горбачевнинг америкалик сенаторлар билан суҳбати ҳақида ва бошқа расмий хабарлар берилган.

⊙ «Аёлларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» СССР Олий Советининг қарори эълон қилинган.

⊙ СССР Президенти М. С. Горбачев ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижковнинг Литва ССР Олий Советига ва Литва ССР Министрлар Советига йўллаган мактуби берилган. Унда Литва ССР Олий Совети ва Министрлар Совети СССР Қонунларига хилоф равишда қабул қилинган қарорларини икки кун мобайнида бекор қилмаса, Литва ССРга бошқа иттифоқдош республикалардан ташқи бозорда валютага эркин конверсия қилинувчи маҳсулот турларини етказиб беришни тўхтатиш ҳақида кўрсатма берилади, деб огоҳлантирилади.

⊙ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларнинг редакцияларга йўллаган мактублари, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ўзининг 12 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига «Принципиал негизда жипслашиш учун» мавзуидаги очиқ хати юзасидан қарор қабул қилди. Область, шаҳар, район партия комитетларига ҳисобот-сайлов конференцияларига тайёргарликдан фойдаланиб, ҳар бир партия ташкилоти учун мақсадга мувофиқ шаклда хат мазмунини барча коммунистлар билан муҳокама қилиш вазифаси топширилди. Жойларга энг яхши тарғиботчилар, партия ветеранлари ва фаоллари юборилсин. КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари юзасидан ўтказилаётган мунозаралар чоғида демократик, ўртоқларча ижодий руҳ сақлаб қолинсин. Партиядаги соғлом кучларни янада жипслаштиришга кўмаклашилсин. Айни пайтда баъзи коммунистларнинг социализмга, партияга зид позицияларидан қатъиян воз кечилсин. Бузғунчилик тарзидаги норасмий ҳаракатларда иштирок этаётган, КПСС ва Ўзбекистон Компартиясининг йўлига қарши чиқаётган партия аъзоларига нисбатан КПСС сафидан чиқаришгача ташкилий тусдаги чоралар берилсин.

Бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг район партия комитетларининг структурасини такомиллаштиришга оид ташаббуси маъқулланди. Шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари иштирок этган муҳокама чоғида КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумларининг қарорларига, уларда қабул қилинган ва партиянинг ижтимоий-сиёсий системадаги янги аҳамиятини белгилаб берувчи съездолди ҳужжатларига мувофиқ, партия комитетлари аппаратининг вазифаларини тубдан ўзгартириш кўзда тутилаётганлиги таъкидланди. Партия комитетининг асосий ишини сайлаб қўйиладиган фаоллар ва район комитетининг устун йўналишлар бўйича ташкил этиладиган комиссиялари зиммасига юклаш таклиф этилади. Ана шу комиссиялар ҳузурида асосий ишдан озод қилинган партия ходимларининг чоғроқ таркибдаги аппарати иш олиб боради. Уларнинг вазифаси сиёсий вазиятни таҳлил этиш ва олдиндан айтиб бериш, муҳим масалалар юзасидан партия қарорларини асослаш, партиявий иш услуб ва методларини такомиллаштиришга оид тавсияномалар ишлаб чиқиш, сиёсий қарорларни ташкилий ва мафкуравий жиҳатдан таъминлашдан иборат.

Марказий Комитет Бюроси область партия комитетларига Тошкент шаҳар партия комитетининг таклифларини, маҳаллий шарт-шароитни ва иш хусусиятини ҳисобга олиб, шаҳар ва район партия комитетлари структурасининг мақбул вариантини ишлаб чиқишни тавсия этди.

«Уэхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида валюта маблағларидан фойдаланишдаги катта камчиликлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бирлашма системасига кирган пахта тозалаш заводлари тармоқ ва Ўзбекистон ССР собиқ Давлат агросаноат комитети раҳбариятининг назорат қилмаганлигидан фойдаланиб, ана шу маблағларни сарфлашда катта камчиликларга йўл қўйди. 1988-1989 йилларда меҳнат коллективларининг фикри ҳисобга олинмай, валютанинг асосий қисми енгил автомобиллар, микроавтобуслар, қиммат турадиган компьютерлар, видеомагнитофонлар сотиб олишга сарфланди. Айни пайтда маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарни янгилашга маблағлар жуда кам сарфланди.

Республиканинг бошқа баъзи идораларида ҳам чет эл валютаси маблағларидан фойдаланишда жиддий камчиликлар бор, деб таъкидлашди Бюро аъзолари. Министрликлар, корхоналар, бирлашмаларнинг ташқи иқтисодий фаолияти тарқоқ ҳолда олиб борилмоқда, улар бозордаги аҳволни яхши билмайдилар, кўпинча фойдасиз шартномалар тузадилар. Шу муносабат билан белгиланган тартибда Давлат ташқи иқтисодий алоқалар комитетини тузиш ҳақида фикр билдирилди. Бу комитет Ўзбекистон ССРда бутун ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштирган бўлур эди.

Бюро чет эл валютаси маблағларидан фойдаланишда кўпол бузилишларга йўл қўйган коммунист раҳбарлар ҳисобда турадиган партия комитетларига уларга нисбатан тегишли партиявий таъсир чоралари кўришни топширди. Партия ташкилотларига корхоналар ва бирлашмаларнинг валюта жамғармаси маблағларини сарфлаш масалаларини назоратга олиш, улардан аниқ мақсад йўлида қўлланиш вазифасини топширди.

Бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг 40-йиллар охири — 50-йиллар бошларида ВКП (б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисидаги» қарори асосида қабул қилган баъзи қарорлари билан боғлиқ материалларни ўрганиш комиссияси тузилди (комиссия аъзоларининг рўйхати матбуотда эълон қилинади).

«Жиззах ҳақиқати», «Джизакская правда» область газеталари, айрим район газеталарини чиқаришни тиклаш ва баъзи вақтли нашрларнинг номини ўзгартиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Марказий Комитет Бюроси Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ижара муносабатларини, республика чорвачилигида фермерлик ва якка тартибдаги хўжаликларни янада ривожлантириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисидаги таклифига қўшилди.

Партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти асосий йўналишларини белгилашда жамоат фикрини ҳисобга олиш, съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш даврида меҳнаткашларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва тўла-тўкис кўриб чиқишга катта аҳамият бериб, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди номига йўлланган хатлар ва шикоят аризаларини кўриб чиқиш тартибини белгилади.

Бюро мажлисида ижтимоий-сиёсий турмушга оид баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.



Уй-жой қурилиши— «Оқшом» назоратида



● Суратли репортаж



ФАЗОГИРЛАР КЎЧАСИДА

ҲАР сафар бу ердан ўтганимизда бино қурилишига назар ташлаймиз. У кун сайин кўкка бўй чўзиб боради. Яқинда йўлимиз тушиб яна шу кўчадан юрдик. Бино бинойидек кўзга кўринадиган бўлиб қолибди. Бенхтиёр қурувчилар билан танишиб, суҳбатлашиш истаги туғилди.

Бригадир Тоир Дадахонов билан суҳбатлашдик.

— Бу уй-жой қурилиши бошланганига уч ойдан ошди. Уни Тошкент қурилиш бошқармасига қарашли 12-трестнинг 50-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этишмоқда. 12 қаватдан ташкил топадиган бу уйда 88 оила истиқомат қилади. Агар материаллар танқислиги сезилмаса бинони шу йилнинг охиригача фойдаланишга топширамиз.

Қурувчилар билан суҳбатлашамиз. Уларнинг ҳаммаси ўз ишидан мамнун. «Ҳозирча таъминот яхши, шунинг учун меҳнатимиз ҳам унумли бўлмоқда» дейишади улар.

Илғор пайвандчи Акбар Турғуновни суҳбатга тортдик.

— Неча йилдан бери қурилишда ишлайсиз?

— Эсимни таниганимдан бери, — жавоб беради у.

Дарҳақиқат, А. Турғунов мактабни битирибоқ тўғри шу бошқармага ишга келган экан.

— Вақт учқур от, деганлари рост экан. Кўз очиб юмгунча орадан қанча йиллар ўтиб кетибди. Бу йиллар мен учун чиниқиш ва синов даври бўлди. Қурувчилик касбини пухта ўргандим. Ҳамшаҳарларимизни уй-жой билан таъминлашдек хайрли ишга ҳисса қўшиб келаётганимдан фахрланаман, — дейди у.

Орадан маълум муддат ўтиб, бу жойда шинам бино қад кўтаради. Бахтиёр оилаларга тайёр хоналарнинг калитлари топширилади. Бу эса шаҳримизнинг уйга муҳтож 88 оиласи турар жой билан таъминланади демакдир.

М. КОМИЛЖОНОВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: бригада аъзоларидан бир гуруҳи; илғор қурувчи Акбар Турғунов; қурилиш майдонининг кўриниши.

Сураткаш Т. Каримов.

Рўзноманинг шу сонига

ЯГОНА ВА ЯХЛИТ

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи XXI съезди делегатларидан бири — СССР Ички ишлар министрлиги Тошкент олий милиция мактаби комсомол группасининг ташкилотчиси Фарҳод Шофайзиевнинг фикрига қараганда, комсомоллар анжуманининг иккинчи куни мажлисларида қизғин баҳслар олдидан бирмунча осойишталик ҳукм сурди.

— Агар съезднинг биринчи куни жўшқин, шовқин-сурон билан ўтган бўлса, делегатлар ўз ўринларидан туриб бақиришган, залда ўрнатилган микрофонларни деярлик бир-бирларидан «тортиб» олишган, бир-бирларининг гапларини бўлиб, тортишишган бўлса (албатта бу ҳали биз мунозара олиб боришга, бир-биримизни сабр билан тинглашга, қарама-қарши нуқтаи назарлар билан муроса қилишга ўрганмаганлигимизни ҳам кўрсатади), съезднинг иккинчи куни ҳис-ҳаяжонларнинг жўш уришига қараганда, нисбатан осойишта ўтди, — деб ўртоқлашади ўз таассуротлари билан Фарҳод. — Ваҳоланки, аксарият делегатларнинг кайфияти менинг назаримда, жуда жанговар.

— **Нималар хусусида баҳс бораяпти!**

— Энг аввало, комсомолнинг ҳаёт-мамоти хусусида. Шахсан менинг ўзим ҳам ВЛКСМнинг тарқатилиб юборилишини ёқлаётган регионлараро гуруҳга кирувчи делегатлардан бири билан баҳсга киришиб кетишдан ўзимни тиёлмадим.

Мен уни комсомолни тугатиш у ёқда турсин, ажралишга ҳам йўл қўймаслигимиз лозимлигига, бизнинг кучимиз фақат жипсликда ва бирликда эканлигига ишонтиришга уриндим.

— **Қалай, ишонтира олдингизми!**

— Назаримда ишонтира олмадим. Аммо ўйлайманки, ўз нуқтаи назаримни съезд минбаридан туриб ҳимоя қилиш учун менда ҳали имконият бўлади. Мен, Ўзбекистон делегатларининг кўпчилиги каби сўзга чиқиш учун ёзилиб қўйдим.

— **Аммо, сенинг мухолифингда ҳам худди шундай имконият пайдо бўлиб қолиши мумкин-ку. Айтмоқчи, регионлараро гуруҳга қанча делегат киради!**

— ВЛКСМни тугатишдан иборат туб ҳаракат дастурига эга бўлган регионлараро гуруҳга 60 га яқин делегат киради. Аммо уларнинг тарафдорлари ҳам бор. Менинг кузатишимга қараганда, улар 200 нафардан ошмайди. Агар съездда 2.018 делегат иштирок этаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу мутлақ озчиликни ташкил этади.

Бугун музокараларда жумҳуриятлар ЛКСМ Марказий Комитетларининг секретарлари, шу жумладан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Носиров сўзга чиқди.

— **Ўзбекистон делегациясидан бошқа ҳеч ким сўзга чиқмадими!**

— Афсуски, ҳеч ким сўзга чиққани йўқ. Аммо сўзга чиқмоқчи бўлганлар кўп. Мисол учун, съезднинг иккинчи куни сўзга чиқиш учун 164 киши ёзилди.

Менга белоруссиялик делегат Федуковнинг нутқи ҳам ҳиссиётларга бойлиги, ҳам комсомолга нисбатан бизнинг делегациямиз нуқтаи назарини ифода этганлиги учун жуда маъқул бўлди. Бизнинг делегациямиз коммунистик ҳаракат дастурига асосланган ёшларнинг ягона ва яхлит сиёсий ташкилоти тарафдоридир.

Е. КУЗНЕЦОВА.
[Телефон орқали].

21 апрель—касаба уюшмаси шанбалиги

Вазифалар аниқланди

Ёдингизда бўлса керак, шаҳардаги бир қатор йирик саноат корхоналари ва ташкилотларнинг касаба уюшмаси комитетлари шанбалик ўтказиш, шу куни ишлаб топилган маблағларни хайрия мақсадларида, шунингдек ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши, ремонти ва реставрация қилинишига сарфлаш учун касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳисоб счётига ўтказиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Мазкур ташаббус Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан маъқулланган ва қўллабқувватланган эди. Шанбалик қатнашчиларининг ишини мувофиқлаштириш учун штаб тузилганди.

Шанбаликни ўтказиш бўйича шаҳар штабининг бўлиб ўтган мажлисида ҳар бир бўлинмага иш кўламини белгилашга доир ободонлаштириш Бош бошқармасининг таклифи кўриб чиқилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети саноат бўлимининг бошлиғи М. У. Азимов саноат корхоналари касаба уюшмалари шанбалигига қандай тайёргарлик кўраётгани ҳақида ахборот берди. Шунингдек, марказлашган усулда юк ташиш трести бошқарувчиси В. А. Исмоиловнинг юк транспорти ишини ташкил этиш ҳақидаги ахбороти тингланди. Мазкур трестнинг район ижроия комитетлари ва ташкилотлар аризаси бўйича беғараз зарур миқдорда транспорт воситалари билан таъминлаши режалаштирилмоқда.

Тошкент шаҳар қурилиши Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Б. Носиров ленинчи шанбаликка қандай тайёргарлик кўрилаётгани, шу куни қурилиш майдонларида иш қандай ташкил этилиши ҳақида ҳикоя қилиб берди. Қабул қилинган қарорда энг йирик пудратчи қурилиш ташкилотига ёрдам тарзида бир ярим мингга яқин кишини ажратиш белгиланди. Уларнинг ҳаммаси тим остидаги бозор, ТошПИ бош ўқув корпуси қурилишларида, ижтимоий-маданий ва маиший соҳа объектларида машғул бўладилар. Тошкент шаҳар телефон тармоқлари раҳбариятининг кабель ётқизишда ёрдам бериш ҳақидаги илтимоси ҳам қондирилди. Ана шу ишларга 300 киши жалб этилади.

Бундан ташқари штаб мажлисида шанбаликка тайёргарликни таъминлашга, тўла иш сменаси мобайнида барча ходимларнинг самарали меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга, транспортнинг аниқ ишлашини ташкил этишга даъват этилган бошқа қарорлар ҳам қабул қилинди.

Шунингдек, саноат корхоналари ишлаб топган маблағларнинг бир қисмини Оролни қутқариш фондига ўтказиш мўлжалланмоқда.

А. БУРИЕВ.

РАҲМ-ШАФҚАТ ҲАФТАЛИГИ

Совет раҳм-шафқат ва саломатлик фондининг Тошкент шаҳар бўлими умумшаҳар раҳм-шафқат ҳафталигини эълон қилмоқда.

Ҳафталик эртадан, 15 апрелдан бошланади. Халқ депутатлари, ижроия комитетларининг ва ижтимоий таъминот бўлимларининг ходимлари, хайрия фондларининг, ташкилотларининг ва норасмий бирлашмаларнинг вакиллари, диндорлар маиший муаммоларни ҳал этиш учун, шунчаки эзгу сўзлар билан таскин бериш учун болалар уйлари ва интернатларига, касалхоналар ва госпиталларга, ёлғиз қолган қариялар ҳузурига ташриф буюрадилар. Шунингдек, улар меҳнат жамоалари ҳузурида, маҳалларда сўзга чиқадилар, ўтказилаётган хайрия тадбирининг мақсадлари ҳақида ҳикоя қилиб берадилар. Раҳм-шафқатнинг мақсади эса бир — у ҳам бўлса, орамиздаги ёлғиз қолган, оромини йўқотган кишиларга сўз билан, амалий иш билан ёрдам беришдир.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

● **ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Жорж Буш Бермуд ороллариги жўнаб кетди, у ерда Буюк Британиянинг бош министри Маргарет Тэтчер билан бир кунлик амалий учрашув бўлади.** Учрашув Европада юз бераётган катта сиёсий ўзгаришлар муносабати билан Вашингтон ва унинг НАТО блокидаги етакчи иттифоқчилари ўртасидаги маслаҳатлашув доирасида ўтади. Оқ уй вакилининг баёнотига қараганда, Тэтчер билан музокаралар Бушнинг келгусида шу йил 30 майдан 3 июнгача АҚШда совет Президенти Михаил Горбачев билан олий даражада бўладиган учрашувга тайёргарлик доирасида ўтказилади.

● **ПРАГА. Чехословакия президентининг қарорго-ҳида Фаластин Озодлик ташкилотининг раҳбари Ясир Арафат ЧСФР Президенти Вацлав Гавел билан музокара олиб борди.**

Ясир Арафат Чехословакия давлати бошлиғига Яқин Шарқдаги вазият ҳақида ахборот берди ва ЧСФР Яқин Шарқ можаросини ҳал қилишда ёрдам беришга тайёр, деган умидни билдирди.

Чехословакия Президенти ЧСФР Яқин Шарқдаги можарони ҳал қилишга интилаётганлигини таъкидлади ва унинг Исроилга сафари ана шу региондаги аҳволни яхшироқ тушуниб етишга кўмаклашади, деб ишонтирди.

● **ЛОНДОН. Белфастда яқинда қурилган ва бир ҳафтадан кейин очилиши лозим бўлган савдо марказида иккита бомба портлади.** Ирландия республика армияси бу ишни амалга оширганлигини тан олди.

Ай-Ти-Эн телекомпаниясининг таъкидлашича, портлаш юз бериши ҳақида телефон орқали огоҳлантирилган, шундон сўнг бинодан одамлар олиб чиқиб кетилган эди. Савдо марказида қурбонлар ва вайронагарчилик ҳақида хабар қилинмади, уни қуриш учун бир неча миллион фунт стерлинг сарфланганди.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА



ГАП БОШҚА, ИШ БОШҚА

ЎТМИШДА шаҳар ва қишлоқларга оқ тут, шотут, ўрик, олма, олча, шафтоли, анор, беҳи каби мевали дарахтлар кўп экилган. Улардан биронтаси қариб кесилса, шу вақтдаёқ унинг ўрнига бошқа ниҳол ўтказилган. Қарияларимиз улар ҳосилини келгуси мева пишиғигача эъзозлаб сақлаганлар. Шунинг учун бозорларда қуруқ мевалар жуда арзон баҳода бўлган. Етилиб пишган тут, ўрик, шафтоли, беҳилардан шинни, қиём, мураббо кабилар тайёрланган. Бу шарбатлар қиш ва баҳорда тумов, безгак, қорин оғриғи, йўтал ва бошқа касалликларга даво бўлган.

Шахсга сиғиниш ва турғунлик йиллари пахтани махсус омборларда қуритиш туфайли қанчадан-қанча мевали дарахтлар кесилиб ўтин қилинди. Шаҳарларда эса кўп қаватли бинолар қурилиши муносабати билан мевали дарахтларга қирон келтирилди. Бундай аҳволни азим Тошкент шаҳримизда яққол кўриш мумкин.

Масалан, Чилонзорда 30 йилдан бери кўп қаватли бинолар қурилмоқда. Йигирмадан ортиқ квартал вужудга келди. Шу райондаги кўчалар, уйлар оралиғидаги йўллар ва уй атрофларига зўр бериб турли мевасиз дарахтлар экилди, бу ерларда бироз мевали дарахтни учратмайсиз. Бу ҳолни Қорақамиш, Юнусобод, Сергели, Қорасув ва бошқа даҳаларда ҳам кўриш мумкин. Шу турар жой даҳаларидаги айрим кўчалар борки, кўча четларига тўрт-беш қатор мевасиз дарахт экилган. Биз бунга қарши эмасмиз. Лекин шунинг икки қаторига мевали дарахт экилса, биринчидан, чинорга яқин бўлган мевали дарахтга шира тушмайди, иккинчидан, дарахт кўп ҳосил беради.

Шаҳардаги бир қанча шифохоналар— сил касалликлари институти, 2-шаҳар клиник шифохонаси, онкология, Жуковский номли, 6-клиник касалхоналари ва бошқаларнинг ҳовлисида бирорта мевали дарахт йўқ. Шифохоналарда кўпроқ мевали дарахтлар бўлса, шуларнинг ўзи касалларга даво беради-ку.

Ҳар йили кузда ва баҳорда минглаб туп дарахтлар экилади, статистика маълумотлари тўпланади, планнинг бажарилиши тўғрисида министрликлар ахборот беришади, аммо экилган кўчатларнинг қанчаси кўкарганлиги ҳақида ҳеч ким маълумот бермайди. Қаровсизлик туфайли қанчадан-қанча дарахтлар қуриб ўтинга айланади, миллионлаб сўм давлат пули ҳавога учади.

Масалан, кўкрак хирургияси марказий филиалини мисолга олайлик. Шифохона атрофига ҳар томондан мевасиз дарахтлар экилиб, ўрмонзорга айлантирилган, лекин ёзда қаровсизликдан кўп дарахтлар қуриб қолган. Шу дарахтзор ёнидан катта сув оқиб ётибди. Мотор ёрдами билан дарахтларни суғориш мумкин. Бу билан шифохона раҳбарлари етарли шуғулланишмайди.

1-шаҳар клиник шифохонаси олдидан очилган янги кўчанинг ҳар икки томонига Жарариққача ўтган йили 200 тупдан ортиқ дарахтлар экилди, лекин қаровсизлик натижасида 10 фоиз ҳам дарахт кўкармади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳар йили мевали кўчат экиш ҳақида турли йиғилишларда қарорлар қабул қилинади, лекин амалда бу ишлар рўёбга чиқмайди. «Чорсу» меҳмонхонасидан Чуқуркўприккача Самарқанд дарвоза кўчаси кенгайтирилди. 1989 йилнинг кеч кузида кўчанинг ўнг томонига икки қатор қилиб 200 тупга яқин мевасиз дарахт кўчатлари ўтқазилди. Наҳотки унинг биринчи қаторига ўрик, ёнғоқ, олма, гилос каби мевали дарахтларни экиш мумкин эмас? Ахир Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қарори бу аҳволда қачон бажарилади. Айримлар «Кўчада мевали дарахт ўстириб бўлмайди, болалар тош отади, синдириб кетади», дейдилар. Бу гаплар нотўғри. Чумчуқдан қўрққан арпа экмайди.

Шаҳримизда шундай кўча-боғлар борки, у кўчалардаги баланд сўри қилиб кўтарилган узумлар, ўрик, гилос, шафтоли, ёнғоқ, олма, олча каби меваларни кўриб қойил қоласиз, ҳавасингиз келади. Бундай мевали дарахтларни етиштирган кўчаларга Айний, Шерозий, Комаров, Фузулий, Рязань, Ҳ. Турсунқулов, Энергетиклар, Гулханий, Қўрғонча, Аҳил, Генерал Узоков, Аносов, Зиё Саид, Қорабоев, Улуғбек, Ибрат, Дадил, Дилкаш, Хондамир, Тошкент оқшоми, Алмоний, Ҳабиб Абдуллаев, Саккокий, Фарҳод, Атоий, Ремотов, Беҳзод, Илдам, Увайсий кабиларни кўрсатиш мумкин. Шу кўчаларда яшовчилардан бошқалар ибрат олиб, шундай мевали кўчатлар етиштиришса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Гулобод даҳасидаги 33, 34, 64; Трактор даҳасидаги 59, 60, 61, 64, 65, 66-кўп қаватли уйларда яшовчилар узум, ўрик, гилос, шафтоли каби мевали кўчатлар экиб, ўз уйи атрофларини боққа айлантирганлар. Уларнинг бу хайрли ишлари ҳаммани хушнуд этмоқда.

Кўчаларда мевалар қанча кўп бўлса, болаларнинг ҳам, катталарнинг ҳам қорни тўқ бўлади. Юқоридаги боғ-кўчалар атрофида 136, 141, 192-ўрта мактаблар жойлашган. Меваларга ҳеч қандай бола тош отмайди, уни синдирмайди. Чунки ҳамма хонадонда ва кўчаларда турли-туман мевалар бўлгани учун уларнинг кўзи тўқ.

Барча кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, шифохоналар атрофларида кўп қаватли уй-жой даҳаларида мевали дарахтлар экиб, мевачиликни ривожлантирайлик. Бу ҳақда «Оқшом» рўзномасининг шу йил 9 март сонида эълон қилинган давра суҳбати қатнашчиларининг айтган сўзлари диққатга сазовордир. Бу ишларни тўла амалга оширишда «Тошкент гуллари» фирмаси, Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси каби хўжаликлар кўпроқ мевали кўчатларни етказиб, маҳалла комитетларига, ЖЭКларга тақсимлаб берсалар мақсадимиз тезроқ амалга ошган бўларди. Дарахтларни парвариш қилишда қариялардан, кўли бўш одамлардан фойдаланиб, уларга дарахтларни бириктириб қўйиш ҳамда ҳақ тўлашни жорий қилиш лозим. Шаҳар сув хўжалиги эса ариқ ва ариқчаларда сув оқимини таъминлашлари керак, чунки ариқ суви мевали дарахтларни тез ривожланишига ва кўп ҳосил беришига ёрдам беради.

Назиржон ҲОЖИМАТОВ,
ўқитувчи.

Билиб қўйган яхши

НОН—ҲАМИША АЗИЗ

⊙ «Нон» сўзи келиб чиқиш жиҳатдан қадимги Грецня новвойлари номи билан боғланган, улар нонни тайёрлашда махсус шаклли идиш-товалардан фойдаланишган. Идиш эса «нлнбанос» деб аталган.

⊙ Қадимги Грецня оқсуяклари нонни мутлақо мустақил таом ҳисоблашган ва уни бошқа таомлардан алоҳида тановул қилишган.

⊙ Франция қироли Генрих IV ўз титулига яна бир ном—«нон қироли» номини ҳам қўшиб, бу билан фуқаронн нмм нон билан таъминлаганига ишора қилган эди. Деман, қирол энг улуғ ҳукмрон ҳисобланган.

⊙ Оттоман империясида новвойнинг алдоқчилиги қаттиқ жазоланган. Уни арқонга боғлаб, ўғирлик моли билан бирга кўчада сазойи қилганлар.

⊙ Словакияда асал қўшиб қорилган хамирдан пиширилган нон, халқ анъанасига кўра келинга берилади. У бунн сандиқда сақлайди ва қизига нннқоҳ тўйн куни ёдгорлик тариқасида беради. Йигирма йилдан кейнн унн ейиш мумкнн. Нон асалда қотиб қолмайди.

⊙ Покистонда нннқоҳ тўйндан олдин келинга йигирма килограмм келадиган нон ёпиш учун хамир тайёрлаш буюрилади. Агар хамир нўпчимаса, тўй бўлмайди.

⊙ Қадимги Мисрда нон тайёрлаш усули сир сақланган. Нил водийсида етиштирилган буғдой унинн сув ва туз билан шунчакн аралаштирилган. Фавқуллоддагн бу ҳол ёрдам берди. Нон аралашмаси — хамирни нимдир ёддан чиқариб, офтобда қолдирган хамирнинг «пойдевори» ҳосил бўлди. Шу асосда ачитқили нон тайёрлаш «кашф» этилди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тўплаган.

Ёдномалар



ҲАМ масъул котиб сифатида фаолият кўрсатди.

Ўшанда Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида ёшлар уюшмаси сафларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган эди. Ҳасанбой қишлоғида комсомол ячейкасини ташкил этиш бу соҳада бирмунча тажриба орттирган Зарифжоннинг зиммасига юкланди. Ёш йигит қишлоқ аҳли билан тил топишиб, аввал деҳқонлар учун «Кўмак» қўмитаси, кейинроқ эса ёшлар ташкилотини тузди. Қишлоқнинг тинчи йўқолди. Кечаги хизматкорларнинг юриш-туришлари айниқса маҳаллий бойларни ғазабга келтирди. Ҳеч ким осонликча жон бермаслиги тайин. Ахир, ким ҳам узоқ йиллар катта даромад олинаётган ерларни «ялангсёқлар»га совға қилиб юборарди? Ҳасанбой қишлоғидаги «йирик хўжайинлар»дан бири Рихсибойнинг ерлари ҳам, молу дунёси ҳам сон-саноқсиз эди. Ўнлаб хизматкорлар унинг ерларида ишлашган.

Зариф бошчилигидаги комсомоллар эса бойнинг ерларида коммуна ташкил этишди. Ўша кезлари уюшма аъзолари учун энг оғир ва таҳликали йиллар бўлди. Бойнинг одамлари «ғайридинлар» деб халқни уларга қарши қўйишарди. «Коммунада еб-ичиш ҳам, ётиб-туришлар ҳам умумий бўлади» дея оддий халқ кўнглига ғулғула солар, уларни деҳқонларга гижгижлашарди.

Чет-четда, қоронғу бурчакларда йигитларга суиқасд уюштиришарди. Коммуна раисининг кетига тушганлар ҳам оз эмасди. Ҳамма қаттиқ уйқуга кетган тунларнинг бирида Зарифларнинг хонадонига ўт қўйишди. Ёнғин бутун уйни қоплаб олди. Зариф ташқарига қочиб чиқишга улгурди, лекин қаттиқ тан жароҳатидан узоқ вақт даволанишга мажбур бўлди. Оёққа турганидан кейин эса ишини янада астойдил давом эттирди.

«Зариф фирқа» деган сўзларнинг ўзиёқ бойларни, диндорларни таҳликага солиб қўярди. Унинг Тупроққўрғондаги диндорлар, эшонлар тўдасини фош этганлиги ҳам беиз кетмади. Бойлар Зариф ва унинг акаси Орифни қўлга олиб, эндиликда уларни осмоқликка ҳукм қилишди. Лекин бу сафарги режалари амалга ошмади.

Хотин-қизларни озод қилиш, паранжисини ташлашга даъват ҳам бой-қулоқлар томонидан ғазаб билан кутиб олинди. Лекин барибир аёллар паранжи ташлабгина қолмай, балки озодлик ишларида фаол иштирок эта бошладилар. Зариф Жалолов бундай сафдошларига қўлидан келганча кўмаклашарди. Адолат Нуралиева 1926 йилда фирқа аъзолигига қабул қилинган. Паранжи ташлаш мавсумини ўтказишда унинг хизмати катта бўлган. Зангиота мозорига ин қўйган эшонларнинг таъсирига берилган жоҳил эри Адолатойнинг покиза юрагига пичоқ санчган.

Хосиятхон Абдукаримова комсомолга ёзилганда: «Мен Ленин қизи бўлмоқчиман», — деганди. У Адолатхон бошлаган ишни охирига етказди. Меҳрибон дугонасининг ўлимидан бир йил кейин ички қора руҳонийлар Хосиятхонга ҳам кўз олайтирдилар. Қотиллик содир бўлди. Ҳар икки қизнинг қотиллари устидан очиқ суд ўтказилди. Суд жиноятчиларни отишга ҳукм қилди!

Ҳар қандай тўсиқларга қарамай коммуна ўз ишини давом эттирди. Зариф Жалолов бошлиқ коммунарлар жамоасига рус оғаларимиз ҳам ёрдам қўлини чўзди. Ленинградлик комсомоллар совға тариқасида юборган трактор қишлоққа кириб келди.

Кекса коммунистлардан бири, коммуна ва колхозлаштириш даврининг фаолларидан бўлган Раҳмат Аҳмедов Зариф Жалолов билан ҳамкорликда ишлаган. Бугун отахон 87 ёшдалар. Улар сафдошининг ҳар бир ишга астойдил киришганлари, чўрткесарлиги, ваъдасининг устидан албатта чиққанлигини сира ёддан чиқармасалар керак. Бу икки дўст қишлоқ хўжалиги учун маҳаллий аҳолидан мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келишган.

Ҳақиқатан ҳам Зариф ака ҳаётнинг олдинги сафларида одмлаган. Тошкент округ молия бўлими, Ўзбекистон Давлат қурилиш бошқармаси, сабзавот ва мевалар тажриба станциясида, кейинчалик эса раҳбар органларда фаолият кўрсатган.

Сталинизм, шахсга сиғиниш даври унинг ҳаётини ҳам четлаб ўтмади. Бутун умрини Совет ҳокимиятига бағишлаган кишининг иши кимларгадир ёқмай қолганди. 1950—1955 йилларда қатағонга учраган коммунистнинг бошидан не-не қийинчиликлар ўтмади. Лекин иродаси букилмади. Ҳақ қарор топди! Унга ёғдирилган туҳматлар асоссиз деб топилгач, яна меҳнат фаолиятини давом эттирди. Тошкент вилоятининг Уртасарой районидаги «Коммунизм» колхозига раис бўлди ва қолоқ хўжаликни қисқа фурсатларда илғорлар сафига олиб чиқди. Кейинчалик яна масъулиятли лавозимларда ишлади...

Лекин бугунги кунда халқимиз бахт-саодати учун курашган инсонларни ёддан чиқармаслигимиз керак. Уларнинг номини абадийлаштириш эса муҳимдир. Яқинда у истиқомат қилган маҳалланинг «Боксёрская» кўчасини Зариф Жалолов номи билан аташ тўғрисида маҳалла аҳли илтимос билан мурожаат қилдилар. Бу илтимос ўринли. Ахир, Зариф акага ўхшаганлар хотираси халқ қалбида абадий қолиши керак!

Васида МАДИМАРОВА.

ШАНБА ОҚШОМИДА

ПОЙТАХТНИНГ Собир Раҳимов районидаги Қорасарой кўчасида яшаётган Анвар ака Қосимов билан фронтда дўстлашганмиз. Ўшанда Калинин фронтининг артиллерия полки батареясида алоқачи бўлиб хизмат қилардик. Бу жанговар вазифа ниҳоятда оғир ва масъулиятли эди. Чунки жанг пайтида батареянинг ўт очиш ва кузатув пунктлари орасида бир дақиқа ҳам алоқа узилмаслиги зарур. Бироқ душманнинг бомба ва снарядлари портлаганда алоқа симлари тез-тез узилиб турарди.

Кунлардан бирида полкимиз ҳужумга ўтишга шай турган бир пайтда, биздан олдин немис-фашист қўшинлари жанг бошлаб қолди. Тўсатдан бомба ва снарядлар устимизга ёғилиб, ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетди. Шу ўқлар ёмғирдай ёғилаётган лаҳзада батарея командири капитан Рогов қатъий буйруқ берди:

—Алоқачи Анвар Қосимов, зудлик билан алоқани тикла! Ҳозир биз ҳам ўт очамиз!

Анвар сим ўралган ғалтакни елкасига осдию, чаққон ҳаракатлар билан снарядлар портлаётган майдонга қараб югурди. Мен дарахт панасига ўрнатилган телефон олдида алоқа тикланишини сабрсизлик билан кутиб турдим. Иссиқ металл парчалари ёнимдан «ғув-ғув» учиб ўтар, тез-тез дарахтга зарб билан келиб санчилар эди.

Анвар кетган томонга хавфсираб қарайман. У эса ажалга чап бериб, шиддат билан эмаклаб олдинга интиларди. Сим учларини чангаллаб куч билан ўзига тортар, бир-бирига улаб қўярди. Яна бошқ узра учаётган снаряд парчаларига чап бериб, гоҳ чапга, гоҳ ўнгга бурилиб, узилган симларни бир ахволда уларди. Шунда менинг қулоғимдаги трубкада кузатув пунктидан командирнинг ташвишли овози эшитилди:

«Оп-оп», жавоб бер!..

Мен бирдан ҳаяжонланиб, овоз бердим:

— Мен «Оп»ман, алоқа тикланди. Сизни эшитаман...

— Офарин! — деди сал нарида безовталаниб турган комбат ва кела солиб телефон трубкасини қўлимдан олиб «НП» билан ошиғич сўзлаша бошлади.

Кўп ўтмай бизнинг батарея замбараклари ҳам ёвга қарши ўт очди... Дам олиш кунларидан бирида Анвар Қосимов жанговар вазифани қаҳрамонона бажаргани учун медаль билан тақдирланди. Урушдан кейин Буюк ғалабанинг 40 йиллиги нишонланган кунларда дўстимни II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлашди.

Ҳозир уруш ветерани Анвар ака 68 ёшда. Маҳаллада жамоат ишларига фаол қатнашиб туради. Дўстлигимиз ўтган суронли йиллар давомида яна ҳам мустаҳкамланди. Қуролдош дўстлар Ғани Алиев, Ҳасан Исмоилов. Исоқ Саҳаев, Ниғмат Раҳматиллаевлар ҳар йили ғалаба куни арафасида учрашиб, жанг хотираларини эслашиб турамиз.

Комил МУҲАМЕДОВ,
Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани.

ҚУРОЛДОШ ДЎСТЛАРИМ

Жангчи хотираси



⊙ ДУНЁ ШАҲАРЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИ ХАЛҚЛАР ҚАЛБИНИ ҚАЛБЛАРГА ТУТАШ-ТИРАДИ. Сиэтл-Тошкент дўстлиги ҳам шундай кенг маънодаги ифодасини топмоқда. Америка Қўшма Штатлари Сиэтл пойтахтимиздаги 17-мактабда ўз тенгқурбўлиб келишди.

СУРАТДА: америкалик ўқувчилар ларн билан суҳбатлашишмоқда.

А. Мамадаминов сурати.

«ЗАРИФ ФИРҚА»

УТГАНЛАРНИ ёдга олиш ҳам фарз, ҳам қарз. Бугунги ҳаётимиз учун жон олиб-жон бериб курашганларни ёдга олмаслик гуноҳ.

Ана шундай инсонлардан бири коммунист Зариф Жалоловдир. Унинг бутун ҳаёти Ленин ва Совет ҳокимияти ғояларини тарғиб қилиш билан чамбарчас боғлиқ.

....Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари. Инқилобий қарашларнинг Туркистонга етиб келиши бойваччаларни саросимага солиб қўйди. Ўша кезлари Зарифжон эндигина 14 ёшга тўлган, фикру хаёли деҳқон отасининг орзу-ниятини амалга ошириб, илм кишиси бўлиб етишиш эди. Улуғбек номидаги мактаб ўқитувчилари бу йигитчанинг бошқалардан зеҳни ўткирлиги ва ҳаракатчанлиги билан ажралиб туришини дарҳол пайқашганди.

1919 йилнинг кўкламида «Деҳқонлар мажлиси бўлармиш» деган гап тарқалди. Табийки, Зариф ва у сингари ёшлар бундай хабарни ҳаммадан олдин эшитишганди. Қош қорайиши билан Нажмиддин бойнинг чойхонасига 200 чоғлик одам тўпланди. Мажлисни қишлоқ фаолларидан бири Ғани Тўраев очди. Чойхонага Тошкент темир йўл устахонасидан бир рус йигит ҳам келганди. У комсомол ячейкасининг вакили эди. Йиғилишни ўтказишдан мақсад қишлоқда янги ташкилот «Ленинчи ёшлар уюшмаси»ни ташкил этиш эди. Рус йигити одамларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши, янги ташкил этилажак уюшма эса бахт-саодат учун курашишини айтди. «Кимки бу уюшмага аъзо бўлса, Ленин фарзанди бўлади» деган гап йиғилганларга таъсир қилди. Мажлис аҳли рўйхатга ёзила бошлади. Шундай қилиб, Зангиота қишлоғида 51 кишидан иборат уюшма ташкил этилди.

Ғани Тўраев, Нурмат Мираҳмедов, Исмоил Ғойибназаров, Иноят Пўлатхўжаев, Нишонбой Алиев сингари уюшма аъзолари сафида Зариф Жалолов ҳам бор эди. Ўн беш кунлар чамаси ўтганидан кейин ёш йигитларнинг ҳаммаси «Иштирокиюн ёшлар уюшмаси» ёзуви битилган гувоҳнома олишди.

Ўша кезлари деҳқонлар жамиятининг раиси Обид Жалолов ташаббуси билан Зангиотада ғалла йиғиш пункти очилган эди. Лекин бойлар ўз ихтиёрлари билан ғаллани топширишдан бош тортишарди.

Ячейка аъзолари эса бу ғаллаларни қидириб топишга мажбур эдилар. Зарифжон бундай ишларнинг энг фаол иштирокчиларидан бўлди. Ишга астойдил киришганлиги туфайли бўлса керак, бойлар у пайдо бўлган жойларда ҳадиксираб қолишарди. Фаоллиги туфайли 1923 йилда уни Тошкент уезди комсомол қўмитаси масъул котиблигига сайлашди. Худди шу йили Пўлат Волости комсомол қўмитасида ҳам масъул котиб сифатида фаолият кўрсатди.

Ўшанда Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида ёшлар уюшмаси сафларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган эди. Ҳасанбой қишлоғида комсомол ячейкасини ташкил этиш бу соҳада бирмунча тажриба орттирган Зарифжоннинг зиммасига юкланди. Ёш йигит қишлоқ аҳли билан тил топишиб, аввал деҳқонлар учун «Кўмак» қўмитаси, кейинроқ эса ёшлар ташкилотини тузди. Қишлоқнинг тинчи йўқолди. Кечаги хизматкорларнинг юриш-туришлари айниқса маҳаллий бойларни ғазабга келтирди. Ҳеч ким осонликча жон бермаслиги тайин. Ахир, ким ҳам узоқ йиллар катта даромад олинаётган ерларни «ялангсёқлар»га совға қилиб юборарди? Ҳасанбой қишлоғидаги «йирик хўжайинлар»дан бири Рихсибойнинг ерлари ҳам, молу дунёси ҳам сон-саноқсиз эди. Ўнлаб хизматкорлар унинг ерларида ишлашган.

Зариф бошчилигидаги комсомоллар эса бойнинг ерларида коммуна ташкил этишди. Ўша кезлари уюшма аъзолари учун энг оғир ва таҳликали йиллар бўлди. Бойнинг одамлари «ғайридинлар» деб халқни уларга қарши қўйишарди. «Коммунада еб-ичиш ҳам, ётиб-туришлар ҳам умумий бўлади» дея оддий халқ кўнглига ғулғула солар, уларни деҳқонларга гижгижлашарди.

Чет-четда, қоронғу бурчакларда йигитларга суиқасд уюштиришарди. Коммуна раисининг кетига тушганлар ҳам оз эмасди. Ҳамма қаттиқ уйқуга кетган тунларнинг бирида Зарифларнинг хонадонига ўт қўйишди. Ёнғин бутун уйни қоплаб олди. Зариф ташқарига қочиб чиқишга улгурди, лекин қаттиқ тан жароҳатидан узоқ вақт даволанишга мажбур бўлди. Оёққа турганидан кейин эса ишини янада астойдил давом эттирди.

«Зариф фирқа» деган сўзларнинг ўзиёқ бойларни, диндорларни таҳликага солиб қўярди. Унинг Тупроққўрғондаги диндорлар, эшонлар тўдасини фош этганлиги ҳам беиз кетмади. Бойлар Зариф ва унинг акаси Орифни қўлга олиб, эндиликда уларни осмоқликка ҳукм қилишди. Лекин бу сафарги режалари амалга ошмади.

Хотин-қизларни озод қилиш, паранжисини ташлашга даъват ҳам бой-қулоқлар томонидан ғазаб билан кутиб олинди. Лекин барибир аёллар паранжи ташлабгина қолмай, балки озодлик ишларида фаол иштирок эта бошладилар. Зариф Жалолов бундай сафдошларига қўлидан келганча кўмаклашарди. Адолат Нуралиева 1926 йилда фирқа аъзолигига қабул қилинган. Паранжи ташлаш мавсумини ўтказишда унинг хизмати катта бўлган. Зангиота мозорига ин қўйган эшонларнинг таъсирига берилган жоҳил эри Адолатойнинг покиза юрагига пичоқ санчган.

Хосиятхон Абдукаримова комсомолга ёзилганда: «Мен Ленин қизи бўлмоқчиман», — деганди. У Адолатхон бошлаган ишни охирига етказди. Меҳрибон дугонасининг ўлимидан бир йил кейин ички қора руҳонийлар Хосиятхонга ҳам кўз олайтирдилар. Қотиллик содир бўлди. Ҳар икки қизнинг қотиллари устидан очиқ суд ўтказилди. Суд жиноятчиларни отишга ҳукм қилди!

Ҳар қандай тўсиқларга қарамай коммуна ўз ишини давом эттирди. Зариф Жалолов бошлиқ коммунарлар жамоасига рус оғаларимиз ҳам ёрдам қўлини чўзди. Ленинградлик комсомоллар совға тариқасида юборган трактор қишлоққа кириб келди.

Кекса коммунистлардан бири, коммуна ва колхозлаштириш даврининг фаолларидан бўлган Раҳмат Аҳмедов Зариф Жалолов билан ҳамкорликда ишлаган. Бугун отахон 87 ёшдалар. Улар сафдошининг ҳар бир ишга астойдил киришганлари, чўрткесарлиги, ваъдасининг устидан албатта чиққанлигини сира ёддан чиқармасалар керак. Бу икки дўст қишлоқ хўжалиги учун маҳаллий аҳолидан мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келишган.

Ҳақиқатан ҳам Зариф ака ҳаётнинг олдинги сафларида одмлаган. Тошкент округ молия бўлими, Ўзбекистон Давлат қурилиш бошқармаси, сабзавот ва мевалар тажриба станциясида, кейинчалик эса раҳбар органларда фаолият кўрсатган.

Сталинизм, шахсга сиғиниш даври унинг ҳаётини ҳам четлаб ўтмади. Бутун умрини Совет ҳокимиятига бағишлаган кишининг иши кимларгадир ёқмай қолганди. 1950—1955 йилларда қатағонга учраган коммунистнинг бошидан не-не қийинчиликлар ўтмади. Лекин иродаси букилмади. Ҳақ қарор топди! Унга ёғдирилган туҳматлар асоссиз деб топилгач, яна меҳнат фаолиятини давом эттирди. Тошкент вилоятининг Уртасарой районидаги «Коммунизм» колхозига раис бўлди ва қолоқ хўжаликни қисқа фурсатларда илғорлар сафига олиб чиқди. Кейинчалик яна масъулиятли лавозимларда ишлади...

Лекин бугунги кунда халқимиз бахт-саодати учун курашган инсонларни ёддан чиқармаслигимиз керак. Уларнинг номини абадийлаштириш эса муҳимдир. Яқинда у истиқомат қилган маҳалланинг «Боксёрская» кўчасини Зариф Жалолов номи билан аташ тўғрисида маҳалла аҳли илтимос билан мурожаат қилдилар. Бу илтимос ўринли. Ахир, Зариф акага ўхшаганлар хотираси халқ қалбида абадий қолиши керак!

Васида МАДИМАРОВА.

Одамн эрсанг демагил одамн,
Оннкнм йўқ халқ ғамндни ғамн.

Алишер НАВОИЙ.

ЯҚИНДА Алишер Навоийнинг юқоридаги ўлмас байтини Американинг собиқ президенти Р. Рейган Москвага келган чоғида мамнуният билан қайд этганлигини газетада ўқиб қолдим. Биз қайси тузумда яшамайлик мазкур тузумнинг афзаллигини инсонлар тақдирига бўлган муносабатига қараб белгилаймиз. «Ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун» деган шиорларга деярли ҳар куни кўзимиз тушади. Лекин, инсонлар бахти-саодати йўлида қилаётган ишларимизнинг ҳаммаси ҳам уларни бахтли қилишга хизмат қиляпти, деб бўлмайди.

Кейинги пайтда айрим раҳбарлар шундай бир бепарволикка мослашмоқдаларки, токи фуқаро дод демагунича унга сира парво қилишмаяпти, арзини эшитишмаяпти. Мен раҳбарларимизни агар таъбир жоиз бўлса падарга ўхшатаман. У қандай падарки, баъзилар бировлар манфаати учун ўзга бир одамлар тақдирини ҳалокат гирдобига ташлаб қўйса?

— Тўққиз ёшли набирам Улуғбек 5-болалар касалхонасида жуда оғир аҳволда ётибди, — деди редакцияга шикоят кўтариб келган Улуғ Ватан уруши қатнашчиси II группа ногирони Мирфаёз Ғиёсов. — Уни машина уриб кетди. Ишонасизми, бир ҳафта давомида бешта авария бўлди ўша жойда. Неварагинамнинг айби нима? Энди бутун умрга ногирон бўлиб қоладими?..

Мирфаёз ака билан қатор фалокатлар содир бўлаётган София шоҳ кўчасига йўл олдик. Анҳорнинг устидан ўтган йўл кавланган жойидаги ишлар давом этарди. Қазиш икки томонлама транспорт қатновчи йўлнинг биринчи томонида олиб борилмоқда. Шунинг учун машиналар бор-йўғи беш метрлар атрофидаги йўлнинг ўнг қанотда бир-бирига қарама-қарши ҳаракат қилмоқда. Турли маршрутдаги автобуслар, енгил ва юк машиналарининг бир зум бўлсада охири кўринмайди.

Мактуб йўлга чорлади

ЛОҚАЙДЛИК ҚУРБОНИ

Йўлнинг у бетига ўтмоқчи бўлдик, лекин юрагимиз бетламади. Чунки бу ерда на светофор, на йўл ҳаракатини бошқариб турган ГАИ ходими бор эди. Ўртадаги кўчанинг ўнг ва чап томонини ажратиб турадиган чизиқдан асар ҳам йўқ. Машиналар бир-бирига қарама-қарши селдай босиб келаверади. Йўлнинг у бетида турган оёғи оқсоқроқ кампир ўн-ўн беш минутда аранг бир йигитнинг ёрдами билан бу томонга ўтиб олди. Ёнимдаги Мирфаёз амаки асабийлаша бошлади:

— Болам, қаранг, йўлни қазишга рухсат берган раҳбарлар нега масаланинг бу томонини ўйлашмадийкин-а? Кунига қанча одам ўтади бу йўлдан. Бир томонда Семашко номидаги илмий-текшириш институти, ҳисоб-кредит техникуми, Киров район ҳарбий комиссариати... Шу ерга битта ГАИ ходимини қўйиб, машиналар қатновини тартибга солиш шунчалар қийинмиди? Йўқса, йўл битгунча ёнгил машиналар қатновини қўшни йўлларга кўчириш мумкин эди-ку?

Биз чуқур ичида ишлаётган уч-тўрт қурувчининг олдига бордик. Улардан эшитган бор гапимиз шу бўлди: «Биз «Ташинжстрой» трестининг 7-қурилиш бошқармасиданмиз. Ҳали трамвай йўлигача қазиймиз. Аварияларнинг содир бўлганини эшитдик, лекин унга биз айбдор эмасмизку? Қазиш тугаллангунча машиналар қатновини камайтириш керак. Бўлмаса фалокат рўй бермасин деб қўрқамиз».

Бу ерда бошқарма раҳбарларини кутаверіб тоқатимиз тоқ бўлди. Суриштирсак, «Эрталаб келишади» деган жавобни олдик холос. Мирфаёз ака мени Гунафша кўчасидаги 10-«а» уйга бошлади. Эшикни хонадон соҳибаси Шарифа Мўминова очди.

— Ўғлим Бахтиёржон касалхонада ётибди. Жоним ҳадикда, ишқилиб шифосини берсин. — Онанинг кўзларида ёш йилтиради. — Боламни уриб кетган ҳайдовчи на касалхонага, на уйга келиб ҳол сўрашга ярамади. Мен сизни ўша шофёрмикин дебман. Икки ўғил,икки қизим бор. Бир ўғлим ногирон. Ишлаб турган ўғлим Бахтиёржон ҳам энди...

Онанинг «Иккинчи ўғлим ҳам ногирон бўлиб қолди» дейишга тили бормади. Мирфаёз ака билан шундай катта йўл устида жойлашган «Промстройбанк»нинг марказий бўлимига кирдик. Авария бўлганлардан бири марҳум — Мадина Маҳкамова шу ерда ишлаган. Ишдан қайтаётиб машиналар орасида қолиб кетган. Банк бошқарувчиси Саноат Шермуҳамедова бизни хонасига бошлаб киряркан, кўзларидан ёш қалқди.

— Ойдай қизим эди-я, ўттиз бирга кирганди. Иккита боласи етим қолди. Бизнинг идорадан ҳеч ким шу пайтгача бундай фожиали вафот этмаган эди. Ҳамма тинч ишлаб пенсияга кетарди. Қолганлар бу бахтсиз ҳодисадан ҳалигача ўзларига келишолмаяпти. Кўчага чиқишса оёғи қалтирайди.

София шоҳ кўчасининг иккала томони ҳам аҳолиси зич жойлашган бир қанча кўчалардан иборат. Хуршид, Гунафша, Эльбрус, Дежнев... Бу кўчалардаги аҳолининг болалари мактабга шу кўчадан қатнашади. Фалокат оёқ остида дейишади. Лекин, бундай «фалокат» кўчадаги қазиш ишлари тугаллангунча ҳеч бўлмаганда енгил машиналарнинг қатнови ўзга йўлга ўтказилмас экан, ҳар куни, ҳар соатда тақорланиши мумкин. «Болам, яна бошқаларни ҳам босиб кетмасин машина, ёрдам беринг, деб райжкроқўмга бордим», дея одамлар ташвишида юрган Мирфаёз аканинг айтган сўзлари мени ларзага солди. Хўш, бир умрга ногирон бўлиб қолган Бахтиёр ва Улуғбекнинг, бевақт умри хазон бўлган Мадина опа ўлимининг уволи кимни тутади?

Мирҳожиддин ҲОЖИМАТОВ,
ТошДУ талабаси.

Нусрат РАҲМАТ

ҲАЁТ СИРЛАРИ

«Ўгитнома» китобидан

ЖУФТИ ҲАЛОЛ ТАНЛАШ ВА ЗУРРИЁТ ХУСУСИДА

АЗИЗ ўғлим ва қизим! Қалқиб турган бу серғалва дунёда ҳар кимнинг ўзига муносиб, меҳрибон умр йўлдоши топиши, борлиғини унга бахшида этиши, фарзандлар кўриб, уларни вояга етказиши унча жўн иш эмас ва ана шу хушбахтлик ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Оила қуришдек масъулиятли тадбирни амалга ошириш юзасидан, афсуски ҳеч ким аниқ кўрсатма ва тавсиянома беролмайди. Чунки жуфти ҳалол танлаш — назокатли кўнгил иши. Аммо шунга қарамай, бор инъом-ихтиёрни ўзларингга ташлаб қўйсам, унча тўғри бўлмас. Бир масъул ва жонсўз ота сифатида маслаҳатлар бермоқчиман ҳамда улар асқотади деб умид қиламан.

Аслида донишманд халқ бу борада энг мумтоз пандларни айтиб қўйган:

⊙ Бошинг икки бўлмагунча,
Молинг икки бўлмайди.
⊙ Хотинсиз рўзғор — чўл,
Хотинли рўзғор — гул.
⊙ Тенгини топсанг — текин бер.
⊙ Ақлли хотин — уй кўрки.

Ўғлим! Буни умр савдоси дебдилар. Шунинг учун уйланишга унча шошилмаслигингни маслаҳат берардим. Ўсмирнинг андак улғайиб никоҳ ёшига етиши баркамол маънодаги камолотдан далолат эмас. Турмуш қуриш учун маънавий, иқтисодий жиҳатдан ҳам тайёр ёки қарийб тайёр бўлмоқ керак. Иложи бўлса ўқишни битириб, бирор юмушнинг бошини тутгач ва тағин, тўйнинг айрим саруполари, заруратларини харид қилгач тараддуд бошласанг ўринли бўларди. Аммо сўққабошлик чўзилиб кета вергани сари киши инжиқ, ўта нозиктаъб ва ҳатто андак нописанд бўла боришини назардан қочирмаслигинг керак.

Гап турмушнинг муқаддас қўрғонини тиклаш хусусида борар экан, ундан олдин севги деб аталган устивор туйғу ҳақида тўхталиб ўтмасам, ошиқлар мени жоҳилликда айблашлари ҳеч гап эмас. Шуни таъкидлаб ва тайинлаб айтишим керакки, бу беҳудуд завқ, бетакрор маънавий қудратдан бебаҳра қолиш каттагина йўқотишдир.

Муҳаббат — бир-бирига етишгунча оловланиб, сўнг сўниб қоладиган туйғу, деган экан бир файласуф. Дастлаб бу ҳикмат менга жуда ёқиб тушганди, кейин эса ҳаётда тўйгача бир-бирини кўрмаган, кейин эса мажнунона севиб қолган, борлиғини бир-бирига бахшида этганларни кўрдим, уларга ҳавасим келди.

Эй фарзанд! Чироққа лампамой, ниҳолга сув, қушга дон керак бўлганидай, муҳаббат ҳам маънавий ва моддий рағбат талаб қилишини унутма. Ахир, фақат эҳтирослар билан яшаб бўлмайдику! Яхши кўрадиган кишингнинг кўнглини топиш воситаларини ўзинг ўйла, балки бир даста гул, эҳтимол, ярашиқ либос ёҳуд андак ҳамду сано, табассум...

Қизим! Бизнинг гоҳ турғун, гоҳ сершиддат замонамизда келин билан куёвнинг ажралиб кетиши бот-бот рўй бериб турадиган нохуш ҳол, бунинг сабаблари бисёр, лекин энг аввалгиси, оила деб аталадиган муқаддас уюшмани сақлаб қолиш учун курашмаслик, унга нописанд қарашдир. Агар билсанг, бева бўлиб қолиш, фарзандлар дунёга келган бўлса, уларни тирик етим қолдириш — гуноҳи азим!

Қисматнинг бўёқлари оз эмас, биров қайнона, қайнотаси билан келишмайди, бошқа бир келин пулсизлик ва уйсизликка қарши бош кўтаради яна бир бебахтнинг эри ичкиликка ёки қиморбозликка берилади. Сен қизим, бундай ногаҳоний зарбаларга ҳамиша тайёр бўл, ҳар қандай иллатнинг говлаб кетишига йўл қўймай, унинг олдини олишни ўрган. Қайнона ёки қайнотангдан ҳасрат қилишдан олдин, бир ҳақиқатни ақл тарозусига солиб, мушоҳада қилиб кўр: улар ўзга бир даврда яшашади, сен бошқа замон одамисан. Модомики, шундай экан, йиллар орасидаги фарқ дунёқарашдаги, нуқтаи назардаги фарқ демакдир. Рўзғор деганининг ҳар қандай омонат жойини мустаҳкамлаб бориш, бунинг учун бир-бирини кечиришни билиш, гоҳида ҳокисорлик таомилларига амал қилиш, миллий удумларни қадрлаш сингари бир талай шартларни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Оила муносабатларидаги кичик зиддиятларга нописанд бўлмагин. Катта жиддиятлар ана шу кичик зиддиятлардан бошланади.

Тағин шуни ёдда тутгинки, эркак зоти ҳамиша ўз имкониятларидан каттароқ гапирадиган, ваъда бериб қўядиган бўлади. Начора, эркакчилик. Зеро шундай экан, бу ҳолдан ортиқча қаҳрга минишга ҳожат йўқ. Қонун эркак ва аёлга тенг ҳуқуқ берган бўлсада, мусулмончиликнинг ҳеч қаерда қайд этилмаган қонунлари эркакнинг оилада, қариндошлар, дўстлар даврасида андак сарбаланд бўлишини тақозо этади.

Муҳаббат ва садоқат шунчаки китобий гаплар эмас, оила ҳам эрмак ёки шаҳвоний зарурат учун қурилмайди.

Эй фарзанд! Оила — жамият бешиги бўлса, фарзанд белнинг қуввати, зурриётнинг давомчиси, чироғимизни ёқиб қолувчи ирсиятимиздир. Баски шундай экан, фарзандлар мўл, ақлли, соғлом, ўқимишли бўлишига эришмоқ керак. Шундай иш тутмоқ зарурки, фарзандлар фақат давомчи бўлиб қолишмасин, улар биздан ҳам устунликларга эришишсин.

Афсуски, ҳаётда ноқобил одамлар оз эмас. Қотиллар ва сотқинлар, гиёҳвандлар ва фоҳишалар, безорилар ва қаллоблар... Эҳ, улар кўп! Бу одамларнинг бирортаси ҳам ёмон бўлиб туғилмаган. Оилавий тарбиянинг кўпол нуқсонлари сабаб бўлиб, ана шундай нобоп йўлларга чалғиб кетишган улар.

Фарзандларнинг мурғак қалбларига зарифлик ва шафқат уруғини кўпроқ сепинглар, уларни зукко тарбиячи, шоҳиста муаллимлар қўлига топширинглар, токи келажакда фақат ўз оиласигагина эмас, миллати, халқи, Ватанига ҳам шарифлик келтирсин!



Спорт соҳасида

⊙ С. Бабанина сузиш бўйича ўзбекистонлик аёллар ўртасида ЭНГ юқори поғонага кўтарилган қалдирғоч спортчидир. У 1964 йили Токиода ўтказилган Олимпиада ўйинларида бронза медалини қўлга киритди. Бир йил ўтгач эса, 100 метр масофага брасс усулида сузишда жаҳон рекордини ўрнатган. У яна жумҳуриятимизда биринчи СССРда хизмат кўрсатган спорт устасидир.

⊙ СССРда хизмат кўрсатган спорт устаси С. Заболотнов ҳам энг... энг...га даъвогарлардан бири ҳисобланади. У жумҳуриятимиздан етишиб чиққан йигитлар орасида биринчи бўлиб жаҳон рекордини ўрнатган. Бу сузувчи, шунингдек, икки карра Европа чемпиони, «Дружба—84» халқаро мусобақасининг голиби ва бир неча бор мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлган.

⊙ Тамара Исмоилова — ўзбек қизлари ичида биринчи бўлиб жумҳурият чемпиони бўлган.

⊙ Жумҳуриятимизда ЭНГ катта сув спорти иншооти Тошкентдаги В. С. Митрофанов номли сузиш ҳавзасидир. Унинг ёпиқ бинодаги ҳовузининг кенглиги 50х20 метр, ҳовлидагисиники эса (қишда илитилган сув билан ишлайдиган) 50х25 метрдир.

⊙ Маълумки, спортнинг миллий кураш тури бўйича расмий мусобақалар 1961 йилда ўтказила бошланган. Тошкентлик Асқар полвон Отабоев Ўзбекистоннинг биринчи (ҳам мутлақ) чемпиони ҳисобланади. У ўттиз йил мобайнида ўртага чиқиб ЭНГ кўп беллашган ва елкаси ерга тегмаган полвонлардан.

⊙ Хушвақт Рўзиқулов ўзбек самбочилари орасида биринчи бўлиб халқаро мусобақада довруғ таратган. Бу қаршилик полвон 60-йилларнинг иккинчи ярмида Европа чемпионатида шоҳсупанинг ЭНГ юқори поғонасига кўтарилган. Жаҳон кубогини қўлга киритган ва СССР Халқлари Спартакиадаси ғолиби бўлган.

⊙ Бухоролик Собир Қурбонов спортнинг шу турида ЭНГ яхши натижаларга эришганлардан бири ҳисобланади. У икки Жаҳон биринчилигида елкаси ерга тегмади ва бошқа кўпгина йирик халқаро мусобақаларда бош совринни қўлга киритди.

⊙ Баҳром Оқилов эса Жаҳон кубоги беллашувларининг ЭНГ ёш ғолибларидан саналади.

⊙ Собиқ боксчи Руфат Рисқиев Ўзбекистондан чиққан биринчи Жаҳон чемпионидир. У Иттифоқ ва халқаро мусобақаларда ЭНГ кўп рингга чиққан вакилимиз ҳамдир.

Равшан АБДУЛХАЕВ.

Фан ва санъат соҳасида

⊙ СССР халқ архитектори унвонига биринчи бўлиб, 1970 йилда Абдулла Бобохонов сазовор бўлган.

⊙ Урол Тансиқбоевга эса биринчи бўлиб СССР халқ рассоми унвони берилган.

Нодир РАҲМОНОВ.

Эртага—Совет фани куни

⊙ Халқимизда яхши бир гап бор: «Аввало саломатлик бўлсин!» дейишади. Бу гап бежиз айтилмаган. Зеро, инсон саломатлигига эътиборни кучайтириш шу куннинг ҳам долзарб масалаларидан бўлиб, кейинги пайтларда бу борада партия ва ҳукуматимиз кўплаб чора-тадбирлар белгилади. Тиббиёт фанини ҳар томонлама ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда, тиббиёт фани касалликларнинг сирини аниқлаяпти.


ШАНБА ОҚШОМИДА

ИЛМ СЎҚМОҚЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли онкология ва радиология илмий текшириш институти ходимлари ҳам хавфли касалликларни аниқлаш, олдини олиш, уларга даво топиш йўлида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Институт шифохонаси жамоаси беморларни ҳозирги тиббиёт илми талаблари асосида даволашаётир.

— Биз асосан хирургия, кимёвий дорилар ва радиоактив нурлар усуллари билан даволаймиз, — дейди институт клиникаси бош шифокори Баҳодир Ҳамдамов. — Улар алоҳида ҳамда биргаликда қўлланилади. Даволашнинг янги усулларидан бири — физикавий йўл билан муолажа қилишдир. У ёмон сифатли ўсма ҳужайраларга қарши ишлатиляпти. Бу усул ҳам институтимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, сезувчанликни ошириш мақсадида қўлланилади. Бундан яна тана ҳароратини сунъий равишда ошириш, суюқ азот ёрдамида музлатишда фойдаланилмоқда.

Касалхонамизда 10 та бўлим ишлаб турибди. Шундан еттитаси хирургия бўлими, кимёвий дорилар ҳамда радиоактив нурлар билан даволаш бўлимлари ва консультатив поликлиникадир. Шифохонамиз 380 ўринга мўлжалланган.

— Кишиларнинг юз-қўлларида пайдо бўладиган хол-сўгалларни ҳам даволаш бўлимлари борми?

— Албатта. Яхши сифатли ўсмалар консультатив поликлиникада музлатилган лазер нурлари ёрдамида куйдирилади. Бизда хўжалик ҳисобидаги поликлиника очилган. Кундузи соат учдан кейин ишлайди. Истаган киши истаган мутахассисга ўзини кўрсатиши мумкин...

Лаборатория ва марказларни айланамиз. Шифохона ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланган. Булар ичида Япония фирмаси тайёрлаган ультра товуш билан текшириш мосламаси, эндоскоплар, рентген аппаратлари ва радиоактив моддалар ёрдамида текширадиган техника воситалари бор.

Оқ халат кийган кишилар ўз вазифаларини югуриб-елиб адо этишади.

Баҳодир Ҳамдамов суҳбатни давом эттиради:

— Бизнинг биринчи галдаги бурчимиз касалликнинг олдини олиш, уни вақтида аниқлаш. Очиғи бутун мамлакатимизда бу борадаги профилактик текширишлар кўнгилдагидек олиб борилмайди. Шу текширувларни ўтказадиган комиссиялар зарур жиҳозлар билан таъминланмаган. Кўпгина врачлар онкологик касалликни аниқлашга етарли эътибор бермасдан, текширувни шунчаки ўтказишади. Бу бепарволик яхшиликка олиб келмайди.

Лекин инсоннинг ўзи ҳам бефарқ бўлмаслиги даркор. Кейинчалик қийналиб юргандан кўра, вақтида олдини олган афзал. Масалан, ёши 30 дан ўтган аёл киши ҳар ойда ёки вақти-вақти билан кўзгу олдида, ё чўмилаётганида кўкрак безларини текшириб туриши керак. Мабодо ташқи аъзоларида ўзгариш сезилса, дарҳол мутахассисга мурожаат қилиш керак.

Ҳақ гап. Касални даволагандан, олдини олган осонда!

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

СУРАТДА: Б. Ҳамдамов навбатдаги беморни кўряпти.
Р. Шарипов сурати.





⊙ Инсон қувонч-севинчларини тўй-шодиёналар, қайғу-ҳасратларини маърака-маросимлар билан ифодалаб, ҳаётда яшаш учун куч-мадад олади. Ер юзидаги жамики халқларнинг турли маросимлар билан боғлиқ турфа урф-одатлари борки, бу анъаналар ўша халқнинг руҳий-маънавий ва маданий олами билан боғлиқ бўлади, бундай анъаналар яхши фазилатлари билан ўша эл-юртнинг қон-жонига сингиб кетади, уларни инкор этиш ёки йўқотиш одамлар нафсониятига тегади.

Анъаналар—халқ мулки

ОЛТИН ЗАНЖИР

ҲАЁТИМИЗДА қайта қуриш ва покланиш шарофати билан ҳар бир халқнинг миллий урф-одатлари ва файзли анъаналари эъзоз топиб бораяпти. Ўзбек халқимиз шодиёнани қадимдан ардоқлаб, бу омилларни қувноқлик билан жуда чиройли ўтказишга ўткир ақлзаковат ва ўта нозик дид билан аҳамият беришган.

Очиқ гап, тўйларимиз ўй-орзуларимиздек кўп ва хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради. Бешик тўй, ўғил тўй, никоҳ тўй, кумуш тўй, олтин тўй... Эҳе, тўйлар кўп, яна бу тўйлар ичида қанчадан-қанча тўйчалари, чақириқ-чорловлар бор. Шу тўйлар ичида умрнинг олтин занжирини боғлайдиган никоҳ тўйи бутун ёрдўстларни, қариндош-уруғларни, бутун маҳалла-кўй, бутун оилаларни шодиёнага тўлдиради. Икки латофатли ёшнинг қовушиб бир ёстиққа бош қўйишини эшитган ҳар бир софдил одам яхши ният айтади:

— Қўшгани билан қўшақарисин, ували-жували бўлсин.

Чинор шохлаб барваста бўлгани каби, никоҳ тўйи шарофати билан катта оиладан кичик оила дунёга келади, келин-куёв тотувиноқ яшаса, бу оила ҳам ували-жували бўлиб, катта оилага айланади.

Никоҳ тўйларимизда жуда файзли ва чиройли одат-анъаналаримиз ўз ифодасини топган. Тўйнинг кўпчилик ўртасида «Тўй бўлади, тўй бўладиси» қизиқ дейишади. Ҳамма ғайрат ва яхши кайфият билан тўй ҳаракатига тушиб қолади. Келин ва куёвнинг хонадонига ўзгача файз-тароват кириб келади. Келин ўз уйида тўй олдидан «Қиз мажлиси» ўтказади. Куёв жўраси билан ҳаммани никоҳ тўйига айтиб, одамларга қувонч бағишлаб юради. Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида Кумушбибининг «Қиз мажлиси» гоят латофатли тасвирини топган. Бу «Қизлар мажлиси»да ҳозиргидек йигитлар ва қизлар бир даврада ўтириб қаҳқаҳа урмайдилар, ичкилик ичмайдилар, маза-бемаза гаплар айтмайдилар. Улар қизлар иффатини, аёллар латофатини, ширин турмуш бекалигининг лаззатини намойиш қиладилар, ҳазин, шўх, дилбар қўшиқлар куйлайдилар, нафис рақс ва дилни чинни жарангидек яйратиб юборадиган ҳазил-мутойиба қиладилар.

Никоҳ тўйларимизда келин томон айтадиган «Ёр-ёр» қўшиқлари юракларни нақадар тўлқинлантирмайди, дейсиз.

Дарёларнинг ул юзида
уйларингиз, ёр-ёр,
Оқаришиб кўринади
бўйларингиз, ёр-ёр.
Ипмиди-ипакмиди
кийганингиз ёр-ёр,
Бизданам ортиқмиди
суйганингиз ёр-ёр.

Яна, никоҳ тўйида келинчакнинг биринчи кун ҳаммага таништиришдек ва ахлоқ-одоб билан боғлиқ «Салом-салом, келин салом»и одати одамларга тонг чоғи нақадар завқ бағишлайди.

Тубан боши таборак,
Ҳар бир сўзи муборак.
Нортуядек бўзлаган,
Каъба тиллони кўзлаган
Қайноталарига салом!
Ойболтадай салмоқли,
Эшонойимдай димоғли,
Қайноналарига салом!

Никоҳ тўйида «Чойнак ўйини», «Хўрозлар жанги», «Тортишмачоқ», «Сув ичириш», «Келин ва куёвга оқлиқ тилаб оппоқ унга қўл ботиртириш» каби одатлар яхши умид, яхши орзу-тилак, яхшилик шарофати рамзи бўлиб, катта-кичикнинг дилида олам-олам севинч уйғотади.

Халқимиз тўй-шодиёналарда бажо этадиган ана шундай одат-анъаналарни тарғиб қилишда Тошкент тўқимачилик комбинати маданият ва техника саройи қошидаги миллий театр студияси артистлари жонбозлик кўрсатиб келяпти. Театр-студиянинг бадиий раҳбари Қаҳрамон Саъдуллаев, мусиқа раҳбари Саиджон Қадабоев, балетмейстер Каримахон Узоқова, режиссёр Маъмуржон Умаров, бадиий эмакдош Дилшод Жалоловлар халқимизнинг унутилаёзган, лекин энг яхши анъаналарини қайта тиклашда кўп изланишмоқда. Ёш бу жамоа тайёрлаган турли томошалар Қозоғистон ва жумҳуриятимиз вилоятларида намойиш этилди. Туркиядан келган меҳмонлар эса «Ўзбек тўйларидан лавҳалар» саҳна томошасини ўз мамлакатларида тарғиб қилиш учун видеолентага ёзиб олиб кетишди.

Миллий анъаналаримиз — халқимизнинг хазина-мулки экан, уни кўз қорачиғидек эъзозлашимиз керак.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

СУРАТЛАРДА: «Ўзбек тўйларидан лавҳалар» саҳна-томошасидан кўринишлар.
Тўлқин Каримов суратлари.





Одобнома

ЭСКИ ЁЗУВЛАРДАН

⊙ Гуноҳ бўлган нарсалардан дил саломат бўлса, кўнгул саломат бўлур.

ЯЪНИ, гуноҳ ҳисобланмиш таъма, ғийбат, хиёнат каби иллатларга мойиллик хаёлдан кечмаса, қалб пок ҳисобланади.

⊙ Авар қилинурсиз ғайрнинг хатосини авф этсангиз.

ЯЪНИ, хато қилган кишига тўғри йўлйўриқ кўрсатиб, унинг узрини қабул қилган одам ўз томонидан қилинган хатони тузатгани билан тенгдир.

⊙ Улуғ гуноҳларнинг улуғроғи дунё севмакдир.

ЯЪНИ, мол-дунёга ҳирс қўйиш энг катта гуноҳ ҳисобланади. (Бунда молдунёни севувчилар ҳар қандай разилликдан ҳам қайтмасликларига ишора қилинган).

⊙ Болаларингизни кўркам амаллар бирла кўркам адабга акром қилингизлар.

ЯЪНИ, фарзандларингизга ўзингизнинг эзгу иш (амал)ларингиз билан ўрнак бўлган ҳолда тарбия берингиз.

⊙ Эзгу кимса ғайрни кўриб ибрат олур.

ЯЪНИ, ақлли одам нодоннинг қилиғидан ҳам ўзига керакли хулосани чиқаради.

⊙ Барака уч нарсададир — юртда, хотинда, отда.

ЯЪНИ, юрт фуқароси аҳил ва меҳнатсевар бўлса, аёл киши рўзғор ишида режали бўлса, от наслдор бўлса, барака бўлади.

⊙ Таомнинг баракаси таом (емоқ)дан олдин ва таомдан сўнг қўл ювмоқдадир.

⊙ Фожир кимсани дўст тутмоқ душман тутмоқдир.

ЯЪНИ, номард (фожир) билан дўстлашиш душман орттириш билан баробардир.

Араб ёзувидан ўзбекчага ўгириб изоҳловчи:

Дилмурод САИДОВ.
(«Хулосат ал-масойил» китобидан олинди).

Бу—қизиқ

«Қонхўр» ўсимлик

РАНГ-БАРАНГ ўсимликлар оламида ҳар хил ҳашаротларни, ҳатто кичикроқ жониворларни «еб» ўсадиганлари ҳам бор.

Шундай ўсимликлардан бири Конгода учрайди. Унинг поясида узунлиги тўрт метрча келадиган, қаттиқ ғадир-будир тиканлар билан қопланган тўрт-бешта барги бўлади. Барглар тагида оқ гуллар осилиб туради. Ана шу гулларга ҳар қандай жонивор тегса, ўлжани ҳалок қилувчи барглар буралиб бағрига ўраб олади. Бу ўсимлик-дарахтлар ҳатто одамлар учун ҳам хавфли.

Бомбайда ҳам ана шундай йиртқич ўсимлик учрайди. Кундуз кунлари у зарарсиз. Лекин қоронғи тушиши билан у қонхўрлик қила бошлайди.

Абдураҳим РАСУЛОВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Телепрограммалар

16 апрелдан—22 апрелгача

Душанба, 16

● УзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 Болалар учун фильм. «Чапай бургутчалари» (М. Горький номли киностудия).
19.00 «Хоразм вилоятида уй-жой қурилиши муаммолари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Қадрият».
20.25 Манзарали фильм.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Едгорлик» туркумидан. Фитрат ижоди.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув.
23.20 «Мусиқий учрашувлар». Ака-ука Шарипповлар.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.10 «Дўстлик» туркумидан кўрсатув.
18.55 «Шоҳнома»нинг 1000 йиллигига. «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия («Тожикфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Концерт.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Зебои чист?». Эстетик тарбия муаммолари.
23.00 «Хизматга чақирилувчилар». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 16 апрель куни МТ I ва МТ II кўрсатувлари соат 18.00 дан бошлаб кўрсатилади.

● МТ I

18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Мамлакат билан юзма-юз». СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси Н. Н. Воронцов билан учрашув.
19.30 А. Гельман. «Юзма-юз». Москва «Современник» театрининг фильм-спектакли. Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 «Юзма-юз». Фильм-спектаклнинг давоми.
22.05 Футбол шарҳи.
22.35 Б. Чайковский. «Успиринлик». Ф. Достоевский романидан олинган таассурот асосида симфоник оркестр учун поэма.
23.25 **ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.**
23.55 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР—Норвегия терма командалари. Швейцариядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
21.00 Гандбол. СССР чемпионати. Эркаклар. АСК (Минск) — «Динамо» (Астрахань).
21.35 «Жайронлар ороли». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.45 Халқ куйлари.
22.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция—Финляндия терма командалари.

Сешанба, 17

● УзТВ I

11.30 Физика. Электролитларда электр токи.
12.00 «Турналар». Телефильм.
12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Символли ахборотларни қайта ишлаш.
13.00 «Армон». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

* * *

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Янгиликлар.
17.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
18.00 Футбол бўйича мамлакат биринчилиги. «Пахтакор» — «Нистру» (Кишинев). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида — «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Шеърият дафтаридан». Барот Исроил, Ихтиёр Ризо.
20.00 «Енгингдан сақланинг!».
20.30 Москва. «Время».
21.00 Долзарб мавзу.
21.20 Ўзбек куйларидан концерт.
22.00 «Ахборот».
22.20 Огаҳий таваллудининг 180 йиллигига бағишланган кеча.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.10 «Баҳорги мусобақа». «Табиат ягона». Телефильмлар.
18.50 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Комедия фильмлари экрани. «Бўзоқ йили». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 Мультфильмлар: «Менинг филчам бўл», «Коля, Оля ва Архимед».
8.35 А. Гельман. «Юзма-юз». Москва «Современник» театрининг фильм-спектакли.
10.30 «Бу бўлган... бўлгайди...».
10.55 Болалар соати (француз тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Жиблажибон» армияси» (Рига киностудияси).
16.35 «Камбоджа учун гуллар». Мамлакатнинг бугунги куни ҳақида киноочерк.
17.05 «Қизча ва дельфин». Мультфильм.
17.15 «Бор бўл, мусиқа!».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Нафосат қонуни». Бразилия архитектори ва жамоат арбоби Оскар Нимейер ҳақида.
19.15 Долзарб интервью.
19.30 «Сибирнинг мовий кўзи». Байкал кўлининг тақдири ҳақида илмий-оммабоп фильм премьераси. 1-фильм («Союзтелефильм») ҳамда «4-канал» (Буюк Британия, АҚШ ва ЮНЭП иштирокида).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Футбол. СССР кубоги. Ярим финал. «Динамо» (Киев) — МАСК.
22.50 Хорижий рус маданияти. Рассом О. Целиков устахонасида.
23.20 **ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.**
23.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Икки цивилизация учрашуви». Илмий-оммабоп фильм. 1-фильм.
8.35, 9.35 Физика. 11-синф. Электр қувватини ишлаб чиқариш ва узатиш.
9.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35 Табиатшунослик. 2-синф. Жониворлар кўкламни қандай кутиб олишади.
10.55 «Бола билан мулоқот мактаби». 1-кўрсатув.
11.25 Совет ўт ўчириш хизмати ташкил топганлигининг йиллигига. «Экранда «01» хизмати».

*

11.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция—Финляндия терма командалари. 2 ва 3-даврлар.
13.15 Ритмик гимнастика.
13.45 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ўтмишни қайтаринг» («Экран»). 1-серия.
15.00 Стол тенниси. Европа чемпионати. Швециядан кўрсатилади.
16.30 Бизнинг мерос. «Гжель ўзи қанақа?».
17.15 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Барча болалар — ўзимизники». Оренбургдан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. ГФР—СССР терма командалари. Швейцариядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.30 **СССР Олий Советн сессиясида.**

Чоршанба, 18

● УзТВ I

11.30 «Йигитча». Болалар учун фильм-концерт.
12.00 «Ҳунармандлар». Телефильм.
12.30 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Потя ва Потиха». Мультфильм.
18.00 Болалар учун. «Юлдузча» кўрсатуви.
18.30 «Оилавий боғча». Самарқанд вилояти маорифчиларининг иш тажрибасидан.
18.45 «Сув — ҳаёт манбаи».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Дўстлик учрашувлари». Ўзбекистон маданият вакилларининг Англияга қилган сафари ҳақида.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ички ишлар вазирлиги хабар беради...».
21.15 «Созимиз — овозимиз». Замира Суюнова ва Роза Хўжаева.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Бўстон» телевизион журнали.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.05 Саргузашт фильмлар экрани. «Огарев кўчаси, 6-уй». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «03» жавоб беради». Шаҳар тез ёрдам хизматининг иш фаолиятидан (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Мутриб». Амирбек Мусоев.
21.35 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ҳар ки накуном зист».
22.00 «Ахбор».
22.20 «Олтин лангар»лик бармен». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Салом, Тулки хола». Мультфильм.
8.10 «Ҳамтовоқлар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
9.35 Футбол. СССР кубоги. Ярим финал. «Динамо» (Киев) — МАСК. 2-тайм.
10.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Рачинск қўшиқлари» (Грузия ССР).
11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Зимбабве халқ санъати: ҳайкалтарошлик ва мусиқа». Телеочерк.
15.35 «ТелеЭКО» журнали.
16.05 «Салом, баҳор!». Фильм-концерт (Киев).
16.30 Меҳр-шафқат ҳафталиги. «Шура холани эҳтиёт қилинг». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Волгоград).
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Б. Чайковский. Торли оркестр учун симфониетта.
18.55 Объектив.
19.30 Жаҳон Ер кунига. «Сибирнинг мовий кўзи». Илмий-оммабоп фильм премьераси. Байкал кўлининг тақдири ҳақида. 2-фильм.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 «Ороль». Телевизион бадиий фильм премьераси («Мосфильм»). 1-серия. Премьера.
22.10 М. И. Глинка номли Ленинград давлат академик капелласи куйлайди.
22.30 «Туғилган куни — Москвада». Итальян кинодраматурги Тонино Гуэрра билан учрашув. «Кинопанорама»га илова.
23.30 **ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.**
23.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Икки цивилизация учрашуви». Илмий-оммабоп фильм. 2-фильм.
8.35, 9.35 Мусиқа. 2-синф. Симфоник оркестр чолғулари. 2-кўрсатув.
9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Адабиёт. 7-синф.
11.05 «Бола билан мулоқот мактаби». 2-кўрсатув.

*

12.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия—Чехословакия терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Швейцариядан кўрсатилади.
13.25 «Бегим Донбаев имконияти». Экологик соф маҳсулот етиштириш имкониятини исботлаб берган асил деҳқон ҳақида ҳужжатли фильм.
13.55 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ўтмишни қайтаринг». 2-серия.

* * *

16.30 «Қалб қўшиқлари, майин, ҳамдард қўшиқлар». Ашхободдан кўрсатилади.
17.10 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Маршал Жуков. Шафқатсизлик йиллари» (Свердловск). 1-қисм.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Советн сессияси.** Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

Пайшанба, 19

● УзТВ I

11.30 Кимё. Металлар. Уларнинг хоссалари ва олиниши.
12.00 «Боғ ҳовлида», «Болалигим ўтган соҳил». Телефильмлар.
12.30 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 Эстетика асослари. Санъатда ғоявийлик.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Баҳор болалари».
18.35 «Бобур». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
19.00 «Камалак жилолари». Мусиқий кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Реклама.
19.55 «Алифбо сабоқлари».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Деҳқон юмушлари».
21.20 «Ёшлар куйлаганда». Концерт.
22.00 «Ахборот».
22.20 Экранда — кинокомедия. «Малласоч малика» («Ленфильм»).
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.05 Болалар учун фильм.
18.45 «Ҳалокатга маҳкум этилган». Телефильм.
19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Маҳаллада учрашув».
20.00 Спорт шарҳи (рус тилида).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Шу куннинг мавзуида». Жумҳурият ташқарисига олиб чиқилаётган товарларни вақтинча тақиқлаш ҳақида (рус тилида).
21.15 «Эл чигармачилиги».
21.55 «Муваффақият». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Сибирнинг мовий кўзи». Илмий-оммабоп фильм. 1-фильм.
9.00 «Бор бўл, мусиқа!».
9.45 Мультфильм.
9.55 М. И. Бабановининг театр ёдномалари.
10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Жиблажибон» армияси яна жанга да».
16.35 «Меҳр-шафқат маликаси». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
16.55 Шеърият лаҳзалари.
17.00 В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига. «Ҳозирги босқичда ленинча ғояларнинг ривожланиши».
17.45 Ю. Дранга чалади (аккордеон).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
19.00 Сиёсий мулоқотлар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини муҳокама қиламиз.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 «Ороль». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера.
22.15 «Мезон». В. Набоков мўъжизаси.
22.35 **ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.**
23.05 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Икки цивилизация учрашуви». Илмий-оммабоп фильм. 3-фильм.
8.35, 9.35 Умумий биология. 11-синф.
9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Биология. 9-синф.
11.05 «Бола билан мулоқот мактаби». 3-кўрсатув.

*

12.05 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Алвасти» («Мосфильм»).
13.20 Ритмик гимнастика.
13.50 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ўтмишни қайтаринг». 3-серия.

* * *

16.30 МТ хазинасидан. В. Соколов концерти (кларнет).
17.20 РСФСР шаҳарлари студиялари. «Маршал Жуков. Шафқатсизлик йиллари». 2-қисм.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Советн сессияси.** Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

Жума, 20

● УзТВ I

11.30 «Олтин шохли кийикча». Садриддин Айний номидаги Бухоро вилояти мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли.
12.20 «Дон Кихот болалари». Бадиий фильм («Мосфильм»).
13.30 «Театрдан икки қадам нарида...». Телефильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Лайлаклар учиб келганда». Қўғирчоқ фильм.
17.55 Концерт.
18.35 «Ахборот» (рус тилида).
18.55 Москва. **В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган тантанали мажлис.**
20.15 Москва. «Время».
20.45 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
20.55 «Одобнома».
21.10 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Маком кечаси».
23.00 Футбол бўйича мамлакат биринчилиги. «Пахтакор» — «Металлург» (Запорожье). «Пахтакор» Марказий стадионидан ёзиб олинган. 2-қисм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.10 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Солдат қиссаси». Бадиий фильм («Мосфильм»).
19.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. Оҳангарон ноҳиясининг чорвадорлари ҳақида ҳикоя.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.15 Москва. «Время».
21.00 Тожикистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Сибирнинг мовий кўзи». Илмий-оммабоп фильм. 2-фильм.
9.05 Сергей Березин қўшиқлари.
9.15 «Туғилган куни — Москвада». Итальян кинодраматурги Тонино Гуэрра билан учрашув. «Кинопанорама»га илова.
10.15 «Бор бўл, мусиқа!
11.00 Йил фасллари. Апрель.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.00 «Мусиқий хазина».
16.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
16.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — АҚШ терма командалари Швейцариядан кўрсатилади.
18.55 **В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган тантанали мажлис.** Кўрсатув тугагач — «Время» ва А. Хачатурянниг «Спартак» балети. СССР Давлат академик Большой театрининг спектакли.
23.15 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
23.20 Долзарб интервью.
23.30 «Бу бўлган... бўлганди...»
24.00 «Нигоҳ».
01.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Устюрт платосининг сири». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Мусиқа. 7-синф. С. С. Прокофьев. «Золушка».
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Тарих. 8-синф. Рус солномачилари.
11.05 «Бола билан мулоқот мактаби». 4-кўрсатув.

*

12.05 Ф. Лист. «Дантени ўқиб». Фантазия-соната.
12.25 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ўтмишни қайтаринг». 4-серия. 1 ва 2-қисмлар.
14.50 «Икки қалб». Анжела Чумак куйлайди.
15.15 Меҳр-шафқат ҳафталиги. «Оппоқ атиргуллар». Ҳужжатли фильм премьераси. Ҳозирги кунларимиздаги энг муҳим тақчиллик — меҳр-шафқат тақчиллиги ҳақида («ЦСДФ»).
15.50 Спорт ҳамма учун.
16.05 «Қўшиқ инсон билан қолади».
17.00 «Майдон». Спорт программаси.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Орел шаҳри маданий меросини асраш муаммолари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
19.45 Информацион программа.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Металлист».
22.50 Меҳр-шафқат ҳафталиги. «Агар сиз...»
23.35 Я. Сибелиус. Г. Жислин ва СССР Давлат академик симфоник оркестри ижросида скрипка ва оркестр учун концерт.

Тунги сеанс

00.10 «Ким миллиардер?». Бадиий фильм (Руминия).
01.20 «Петра». Телевизион бадиий фильм. «Полиция телефони «110» туркумидан (ГДР телевидениеси).

Шанба, 21

● УзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Сафар таассуротлари». Бельгия ва Люксембург хотиралари.
11.00 «Барқарор Ленин». Адабий кўрсатув.
11.40 «Биринчи меҳмон». Бадиий фильм («Ленфильм»).
12.55 КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамада.
13.15 «Буюк сиймо». В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган кўрсатув.
13.40 «ДОСААФ — мардлик майдони».

Тижорат кўрсатувлари

14.10 «Элга хизмат — олий ҳиммат». Андижон шаҳридан.
14.45 «Чўлда Наврўз...». Нишон ноҳияси механизаторларининг иш фаолиятидан.
15.15 «Иш ўнгидан келганда». Сирдарё шоли заводи ҳақида.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар».
18.45 «Мультпанорама».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
20.15 «Оқшом эртаклари».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ой дарадаги яккахон». Телефильм.
21.10 «Қуёш ўлкасида кезади баҳор». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ҳафтаном».
22.40 «Она қалби». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 Ритмик гимнастика.
9.15 «Савту калом». Нақибхон Тўграл шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув.
10.05 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар (рус тилида).
12.25 «Хотиралар билан яшашимизга ҳали эрта». Фильм-концерт.

* * *

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Пингвинча Лолонинг саргузаштлари». Мультфильм.
15.25 Реклама.
15.35 «Бу кимнинг қайғуси?». Илмий-оммабоп фильм, субтитр билан.
15.55 Ўш филармонияси артистларининг концерти.
16.35 «Овоз». Бадиий фильм (рус тилида).
18.05 «Юлдузлар порлаганда...». Фильм-концерт.
19.00 «Мезгил».
19.30 «Мариам ва Тадеуш». Телефильм.
19.50 «Ильич севган асарлар». Л. В. Бетховен. «Крейцер сонатаси».
20.30 Москва. «Время».
21.00 Ўзбекистонда яшаётган қирғизлар ҳақида кўрсатув.
21.50 Фильмотекамиз хазинасидан. «Империянинг емирилиши». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Сиз яратган боғ».
8.35 Меҳр-шафқат ҳафталиги. «Ҳаётга қайтганлар». Ҳужжатли фильм премьераси. Волоколамскдаги меҳнат қобилиятини тиклаш марказий мактаби ҳақида (ВЛКСМ Марказий Комитетининг «А» студияси).
9.05 «Қозоғистоннинг мусиқий фольклори».
9.30 «Нафосат қонуни». Бразилия архитектори ва жамоат арбоби Оскар Нимейер ҳақида.
10.15 Кичик концерт.
10.30 «Ҳайвонот оламида».
11.30 Режиссёр Л. Луков фильмлари. «Александр Пархоменко».
13.00 «Россия суверенитети». 2-кўрсатув — «Советлар ҳокимияти ва жумҳурият ҳокимияти».
14.00 С. Иголинский чалади (фортепьяно).
14.20 «Партнер». Тижорат хабарномаси.
14.50 «Спектр».
15.20 «Қадимий садолар».
16.10 Сиёсий мулоқотлар.
17.00 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. Б. Феоктистов чалади (СССР).
17.35 «Халқаро панорама».
18.20 «Тажанг Бамбр». Мультфильм премьераси.
18.30 Меҳр-шафқат ҳафталиги.
18.45 «Фермер-90» кантри ва фольклор-мусиқа фестивали.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Телескоп».
21.20 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина.
22.30 Телепортрет. Хитой Компартияси Марказий Комитети доимий комитети аъзоси, ХХР Давлат Кенгашининг премьери Ли Пэн.
23.00 Оммабоп куйлар янгиликлари. «А» программаси.
00.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки гимнастика.
7.50 «Экранда «01» хизмати». Ёнғинни олдини олиш ҳақида фильмлар.
8.20 «Севги севги ҳақида нималарни билади». Концерт.
8.55 «Оила хроникасидан икки боб». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
10.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
11.00 «Веснянка» рус қўшиқлари хори ижро этади.
11.10 «Педагогика ҳамма учун».
12.10 Меҳр-шафқат ҳафталиги. СССР — АҚШ телекўприги. Нотиқлар муаммолари.
12.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
13.00 «Эртаклар ва саргузаштлар оламига саёҳат». Катталар ва болалар учун киноконцерт. 1-қисм.
14.00 «Совет Россияси» видеоканали.
16.30 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс.
16.35 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — СССР терма командалари. Швейцариядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
18.35 «Она-замин ташвишида» туркумидан ҳужжатли фильмлар.
19.15 «Қадрдон ўлка қўшиғи». Якутия АССР халқ артисти А. Самсонов куйлайди.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
19.45 Информацион программа.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Металлист».
22.50 Меҳр-шафқат ҳафталиги. «Агар сиз...»
23.35 Я. Сибелиус. Г. Жислин ва СССР Давлат академик симфоник оркестри ижросида скрипка ва оркестр учун концерт.

Тунги сеанс

00.10 «Ким миллиардер?». Бадиий фильм (Руминия).
01.20 «Петра». Телевизион бадиий фильм. «Полиция телефони «110» туркумидан (ГДР телевидениеси).

Якшанба, 22

В. И. ЛЕНИН ТАВАЛЛУДИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ

● УзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 Мактаб ўқитувчилари учун. «Компьютер сабоқлари» (такрор.).
10.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қувноқлар ва зукколар...». Тошкент давлат Маданият институтининг «Умид» ва Самарқанд Давлат дорилфунунининг «Эҳдос» командалари ўзаро куч синашадилар.
12.25 «Ленин ва Ўзбекистон». В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган кўрсатув.
13.05 «Қувноқ стартлар». Минск вилоятидаги 122-ўрта мактабнинг «Куполье» ҳамда Самарқанд вилояти 16-ўрта мактабнинг «Зафар» командалари мусобақалашадилар.
14.20 «Алифбо сабоқлари».
14.55 Спорт программаси. 1. «Саломат бўлинг!». 2. Ушу.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ўйла, изла, топ!». Ўқувчилар учун қизиқарли кўрсатув.
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Муносабат».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Бир томчи». Мультфильм.
20.00 «Ота-оналар университети». Ленининг маърифат ва тарбия ҳақидаги буюк мероси.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Долзарб мавзу.
21.15 Телевизион новеллалар театри. И. Шамякин. «Нон».
22.00 «Ахборот».
22.20 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фаттоҳхон Мамадалиев куйлайди.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Борбаднинг 1400 йиллигига бағишланган мусиқий ахборот кўрсатуви.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 Бизнинг хазинамиздан. «Шарқ юлдузлари». Махасти ва Ҳанда.
12.15 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 7 ва 8-сериялар (рус тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Нима учун филлар?». Мультфильм.
18.20 «Она садоқати». Бадиий фильм (рус тилида).
19.50 «Тароналн Ватан». Ватан, партия ва Ленин ҳақида қўшиқлар.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Базми назму Навои классики». Адабий-мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ҳафта». Информацион кўрсатув.
22.30 «Базми назму Навои классики» адабий-мусиқий кўрсатувининг давоми.
23.20 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб».
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 «Мусиқий киоск».
12.30 Экологик программа.
14.00 «Куйининг ажиб лаҳзалари ҳам». Концерт.
14.25 «Здоровье».
15.10 «Чаривна» вокал-чолғу ансамблининг концерти.
15.30 «Қишлоқ янгиликлари».
16.45 «Тош гул». Бадиий фильм («Мосфильм»).
18.15 «Бир биографиядан парчалар».
19.10 В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига. «В. И. Ленин портретига чизгилар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Учинчи фильм — «Совнарком ҳавоси» («Экран»).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Абадият ҳақида ўйлар.
21.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Швеция терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Швейцариядан олиб кўрсатилади.
23.00 Л. Бетховен. 14- («Ойдин») сонатаси.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.50 СССР Давлат телерадиоси Катта симфоник оркестрининг концерти.
8.15 «Кяхта». Ҳужжатли фильм.
8.40 СССР Давлат телерадиоси рус қўшиқлари академик хорининг баянчилар квинтети чалади.
9.00 «Бахтлисан, Женька». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
10.20 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Ер киндиги» (Фрунзе шаҳри), «Лакрица» (Ашхобод).
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
12.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.05 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Е. Учитель фильмлари. «Ленинград жасорати» («ЛСДФ»).
13.10 «Эртаклар ва саргузаштлар оламига саёҳат». Катталар ва болалар учун киноконцерт. 2-қисм.
14.00 «Совет Россияси» видеоканали.
16.30 «Планета». Халқаро программа.
17.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
17.35 «Вертикаль». «Иш вақтидан бўш пайтда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
18.05 «Бефайз якшанба». Бадиий фильм («Мосфильм»).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
19.45 Аэробика бўйича Бутуниттифоқ турнири.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 «Трускавчанка» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.30 Мамлакат театрлари намойиш этади. А. Дадарев. «Оқшом». Я. Колас номли белорус академик драма театрининг фильм-спектакли. Премьера.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-85.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 04031.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.